

**“АРЕХ BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ 10-СОНЛИ БАЁННОМАСИДАН
КУЎЧИРМА**

**Сана: 2024 йил “20” май
Вақт: 10:00**

**Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Братислава кўчаси, 2-уй**

**Иштирок этдилар:
Кузатув кенгаши аъзолари:**

**Б.И.Усманова
А.С. Хожимуродов
Н.С.Зайнутдинов
М.Р.Анваров**

Таклиф этилганлар:

**Бошқарув раиси
Б.Х. Нуъмонов**

Кворум-80%

КУН ТАРТИБИ:

- 1. “АРЕХ BANK” АЖнинг Бошқарув аъзосини ваколатини муддатидан илгари тугатиш;**
 - 2. “АРЕХ BANK” АЖнинг Бошқарувга янги аъзони сайлаш.**
-

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича кузатув кенгаши раиси Б.И.Усманова сўзга чиқиб, Банкнинг амалдаги бошқарув аъзоси Икрамов Азизбек Рустамбекович томонидан бошқарув аъзоси таркибидан чиқиш тўғрисида ариза киритганлиги сабабли, унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатилиши лозимлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 75-моддаси ҳамда “АРЕХ BANK” АЖ Уставига кўра, Банк бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) лавозимига сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш кузатув кенгаши ваколатида эканлиги таъкидланди.

Раислик қилувчи, кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарор қабул қилишни таклиф қилди.

Овозга қўйилган масала:

- 1. “АРЕХ BANK” АЖ бошқарув аъзоси Икрамов Азизбек Рустамбековичнинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш.**

Овоз бериш натижалари:

"рози" – 4 та овоз, "норози" – йўқ, "бетараф" – йўқ.

Натижалар бўйича Раислик қилувчи, кун тартибидаги ушбу масала бўйича бир овоздан маъқулланганлигини эълон қилди.

Кун тартибидаги масала бўйича қабул қилинган қарор:

- 1. “АРЕХ BANK” АЖ бошқарув аъзоси Икрамов Азизбек Рустамбековичнинг ваколати муддатидан олдин тугатилсин;**

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича кузатув кенгаши раиси Б.И.Усманова сўзга чиқиб, Гимадиев Сергей Абдулхаевич номзоди Банк бошқарув раисининг ўринбосари ва Банк бошқаруви аъзолари таркибига тавсия этилаётганлигини айтиб, мажлис иштирокчиларини номзоднинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотномаси билан таништирди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кузатув кенгаши раиси Гимадиев Сергей Абдулхаевич номзодини Бошқарув раисининг ўринбосари - Банк бошқарув аъзолигига тайинлаш масаласини овозга қўйишни таклиф этди.

Раислик қилувчи, кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарор қабул қилишни таклиф қилди.

Овозга қўйилган масала:

2.1. Гимадиев Сергей Абдулхаевич номзодини “APEX BANK” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари сифатида Банк бошқарувига тайинлаш;

2.2. Банк бошқаруви зиммасига Инсон капиталини ривожлантириш департаментига барча тегишли ҳужжатларни тайёрлаш бўйича кўрсатмалар беришни юклаш;

2.3. Банк бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг Банкнинг бошқарув аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларини баҳолаш шартлари ва келишиб олиш тартибига асосан, ходимлар лавозимига киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олиниши мақсадида, номзодни келишиб олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар тўпламини белгиланган тартибда тасдиқлаб, тўлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тақдим этишини таъминлаш;

2.4. Банк бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни 5 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олинган номзоднинг ўз мажбуриятларини бажаришга киришганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор этиш вазифаларини юклаш;

Овоз бериш натижалари:

"рози" – 4 та овоз, "норози" – йўқ, "бетараф" – йўқ.

Натижалар бўйича Раислик қилувчи, кун тартибидаги ушбу масала бўйича бир овоздан маъқулланганлигини эълон қилди.

Кун тартибидаги масала бўйича қабул қилинган қарор:

2.1. Гимадиев Сергей Абдулхаевич “APEX BANK” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари сифатида Банк бошқарувига тайинлансин;

2.2. Банк бошқаруви зиммасига Инсон капиталини ривожлантириш департаментига барча тегишли ҳужжатларни тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берсин;

2.3. Банк бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг Банкнинг бошқаруви аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларини баҳолаш шартлари ва келишиб олиш тартибига асосан, ходимлар лавозимига киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олиниши мақсадида, тақдим этиладиган ҳужжатлар тўпламини белгиланган тартибда тасдиқлаб, тўлиқ равишда Марказий банкка тақдим этишни таъминласин;

2.4. Банк бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни 5 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олинган номзоднинг ўз мажбуриятларини бажаришга киришганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

Ушбу билан Кенгаш йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилди.

Кузатув кенгаши раиси

Б.И. Усманова